

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар:

Ташматова Т.

Жўрабоева Г.

Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

З.Пардаева	
Кредит-модуль таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил қилиш модели	94
Ҳ.Жўраев, З.Раҳимов	
Фурқат ижодининг ўзига хос хусусиятлари	103
Х.Шарафиддинов	
Қофиянинг функционал ва структурал эволюцияси	106
Г.Муҳаммаджонова	
Ижод психологизмининг бадиий талқини	110
Я.Нишанов	
Америка адабиёти тарихи: "Ва қуёш чиқмоқда" романидаги йўқотилган авлод.....	114
А.Маҳмудов	
Олмон адабиётшунослигида Шарқ мавзуси ва унинг эстетик роли	119

ТИЛШУНОСЛИК

А.Мамажонов, М.Мамажонов, Б.Полвонова	
Тилшуносликда вариантлик масаласи ва унинг бошқа ҳодисалар билан муносабати	124
С.Мўминов, А.Юлдашев	
Сўз илмий талқинига бир назар.....	130
М.Зокиров, Ф.Исомиддинов	
Билингв нутқида фонетик интерференциянинг намоён бўлиши хусусида	134
Н.Умарова, О.Холматова	
Мақол ва матал тушунчаси, мақоллар семантикаси хусусида	139
Г.Розиқова, М.Қурбонова	
Чўлпон ва Бехбудий асарларида окказионал бирликларнинг қўлланилиши.....	143
Х.Сотвалдиева	
Инглиз тилини хорижий тил сифатида ўқитишда мақоллардан фойдаланиш	147
Ш.Кахарова	
Ўқитувчи мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари	151
Р.Абдуллаева	
Дунёнинг лисоний мақол манзарасида одамга эстетик баҳони ўрганиш муаммолари	155
Г.Мамаджанова	
Лингвокультуремаларнинг фрейм тақдимотлари параметрлари	159

ПЕДАГОГИКА

Т.Эгамбердиева	
Талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантиришнинг педагогик таҳлили ва талқини	164
Х.Ибраимов, К.Тоджибаева	
Бўлажак тарбиячи ва бошланғич синф ўқитувчиларида инклюзив компетентликни ривожлантириш ижтимоий зарурат сифатида	170

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.Ҳакимов, Ш.Умурзакова	
Озиқ-овқат микробиологияси ва биотехнологияси фанини ўқитишнинг назарий масалалари ва мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.....	174
Н.Валиева	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмитанинг ташкил этилиши омиллари.....	179
М.Расулов	
Ўзбекистон тарихини ўрганишда маданий мерос объектларининг ўрни	182
Ф.Каримова	
Ўзбек халқ лирикасида олов аналогларининг бадиий вазифаси	186

УДК: 719:72(575.1)

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МАДАНИЙ МЕРОС
ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ЎРНИ
(Қўқон шаҳри мисолида)**

**РОЛЬ ОБЪЕКТОВ КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ В ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИИ
УЗБЕКИСТАНА
(На примере города Коканда)**

**ROLE OF THE OBJECTS OF CULTURAL HERITAGE IN THE STUDY OF THE HISTORY
OF UZBEKISTAN (on the example of Kokand city)**

Расулов Маъмуржон Фозилжонович¹

¹Расулов Маъмуржон Фозилжонович

– Фарғона давлат университети, жаҳон тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон тарихини ўрганишда маданий мерос объектларининг ўрни Қўқон шаҳри мисолида кўрсатиб берилган. Муаммо Қўқон хонлиги ва Россия империяси мустамлакачилиги даври айрим меъморий иншоотлари доирасида таҳлил этилган.

Аннотация

В статье на примере города Коканда показана роль объектов культурного наследия в изучении истории Узбекистана. Вопрос проанализирован в рамках некоторых архитектурных сооружений времен Кокандского ханства и периода колониальной зависимости от Российской империи.

Annotation

The article shows the role of cultural heritage objects in the study of the history of Uzbekistan using the example of the city of Kokand. The issue is analyzed within the framework of some architectural structures of the times of the Kokand Khanate and the period of colonial dependence on the Russian Empire.

Таянч сўз ва иборалар: Пошшо Пирим, Биби Убайда, Чомоч бобо, Бастом бува, Қораёзи бобо, Худоёрхон Ўрдаси, “Даҳмаи Шоҳон”, “Модарихон” мақбаралари, Норбўтабий мадрасаси, “Ҳожибек”, “Зинбардор”, “Хуржум”, Рус–Осиё банки, А.Симхаев, С.Х.Вадьяев, Р.Ш.Потеляхов, ака-ука Крафтлар, ака-ука Мандалакилар шахсий уйлари.

Ключевые слова и выражения: Пошшо Пирим, Биби Убайда, Чамач бобо, Бастам бува, Караязи баба, дворец Худаярхана, усыпальницы “Дахмаи Шахан”, “Модарихан”, медресе Нарбутабия, “Хаджибек”, “Зинбардор”, “Хуржум”, Русско–Азиатский банк, А.Симхаев, С.Х.Вадьяев, Р.Ш.Потеляхов, дома братьев Крафт, братьев Мандалаки.

Key words and expressions: Posho Pirim, Bibi Ubayda, Chamach Baba, Bastam Buva, Karayazi Baba, Khudayarkhan Palace, tombs “Dakhmai Shahan”, “Modarikhan”, Madrasah of Narbutabiy, “Khadzhibek”, “Zinbardor”, “Khurzhum”, Russian –Asian bank, A.Simkhaev, S.Kh. Vadyaev, R.Sh. Potelyakhov, the houses of the brothers Kraft, brothers Mandalak.

Ўзбекистон, жумладан Фарғона вилояти тарихини ўрганишда ёзма манбалар билан бир қаторда моддий манбалар, яъни меъморий ёдгорликларнинг аҳамияти ғоят каттадир. Ҳозирги кунда республикада 8208 та маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 2250 таси меъморчилик, 4748 таси археологик ёдгорликлар, 678 таси маҳобатли санъат (монументал) объектлари, 532 таси диққатга сазовор жойлардир [1.]. Шунингдек, 4000 дан ортиқ моддий-маданий ёдгорликлар ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Маълумки, Ўзбекистонда сақланиб қолган тарихий ва маданий ёдгорликларнинг

аксарият қисми диний маросимлар учун мўлжалланган (мадраса, масжид, минора, мақбара ва ҳоказолар) иншоотлардир.

Манбаларнинг кўрсатишича, Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий-меъморий обидалар XX аср бошларида 40 мингдан ортиқ эди [2.]. Афсуски, чор Россияси мустамлакачилиги ва совет тузуми даврида республикадаги кўплаб меъморий иншоотлар бузиб ташланди ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун мослаштирилди.

Энди бевосита Фарғона вилояти меъморий иншоотларига тўхталадиган бўлсак, вилоятда 376 та [3.] тарихий-

меъморий, археологик, монументал ёдгорликлар маданий мерос сифатида рўйхатга олинган. Шулардан 58 таси Қўқон шаҳри ва унинг атрофида жойлашган. Бу объектларнинг кўпчилиги қимматли тарихий аҳамиятга эга бўлиб, XVII–XX аср бошларига оид меъморий иншоотлардир [4].

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жозки, нима учун Фарғона вилояти ёки водийда қадимги ва ўрта асрлар меъморий иншоотлари кам учрайди? Чунки, водий Марказий Осиёдаги ўрта аср давлатлари (Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, теурийлар ва бошқалар)нинг марказидан анча йироқда, чегара ҳудудларида жойлашган бўлиб, бу ҳудудга шимолий-шарқдан кўчманчи халқлар томонидан таҳдидлар кўп бўлган. Шунинг учун бу ҳудудларга Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент шаҳарларидаги каби йирик иншоотлар қурилмаган. Меъморий иншоотларнинг катта қисми, асосан, Қўқон хонлиги (1709 йилда) ташкил топгандан кейин қурила бошланган. Айнан XVIII–XX аср бошларида қурилган меъморий иншоотлар Фарғона водийси, хусусан, Фарғона вилояти тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

1875 йилда Фарғона водийсида 182 та мадраса, 1709 та мактаб, 235 та қорихона, 6154 та масжид бўлган. Масалан, “Туркистон вилояти газети”нинг 1897 йил 21 ноябрь сонида мухбир Юсуфжон Мирзо имзоси билан Қўқондаги мадрасалар рўйхати берилади. Бу рўйхатга қараганда, мухбир 38 та мадрасани номма-ном санаб чиқади. Умуман, шу соҳа мутахассис олимларининг ҳисобларига кўра, Қўқондаги мадрасалар сони мунтазам ўсиб, XX асрнинг 20-йилларида 50 тадан ошган [5.].

Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги тарихий обидаларнинг энг қадимийси араблар босқини даврига бориб тақалади. Бунга Пошшо Пирим, Биби Убайда, Чомоч бобо, Бастом бува ва Қораёзи бобо каби меъморий ёдгорликлар мисол бўла олади. Бу ёдгорликлар, асосан, Қўқон шаҳрига кўшни бўлган Бувайда, Данғара, Ўзбекистон ва Учкўприк туманларида жойлашган. Қўқон шаҳрининг ўзидаги тарихий-меъморий обидалар эса, асосан, хонлик даврида қурилган. Қўқон хонлик пойтахти бўлганлиги учун ҳам бу даврга оид меъморий обидалар кўпроқ шу ерда жойлашган. Жумладан,

Худоёрхон Ўрдаси ва Қўқон хонлари дафн этилган “Даҳмаи Шохон”, “Модарихон” мақбаралари, Норбўтабий мадрасаси, “Ҳожибек”, “Зинбардор”, “Хуржум” мажмуалари, Мавлонбой, Мулқобод масжидлари, чор Россияси ҳукумати томонидан қурилган иншоотлар – Россия давлат банки биноси, “Ғишт кўпирик” кабилар Қўқон хонлиги ва чор Россияси ҳукмронлиги давридан дарак берувчи тарихий обидалар сифатида вилоят тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Худди шундай қимматли ва қизиқарли тарихий аҳамиятга эга бўлган Бувайда туманидаги “Пошшо Пирим” мажмуаси, “Биби Убайда” ҳамда “Бастом бува” мақбаралари ўз даврининг қурилиш анъаналари, иқтисодий, маданий-маънавий ҳолатини акс эттиради.

Қўқон шаҳрининг энг катта тарихий обидаси – бу, Худоёрхон ўрдаси бўлиб, Худоёрхон даври ижтимоий-сиёсий аҳволи, хусусан, меъморчилиги, амалий санъати ва бошқа кўплаб жиҳатлари ҳақида маълумот беради.

Обиданинг тарихчилар учун яна бир муҳим жиҳати шундаки, унинг қурилишидан тортиб то ҳозирги кунгача бўлган даврда мажмуа ҳақида батафсил маълумот берувчи тарихий манбалар ва архив ҳужжатлари мавжуд. Сарой XIX асрдаги Марказий Осиё тарихий-меъморий ёдгорликларининг энг йирикларидан бири ҳисобланади. Ўрда 1863–1873 йилларда Худоёрхон томонидан барпо этилган [6.218.]. Сарой 4 гектарга яқин майдонни эгаллаган. Унинг қурилишида бир неча минг киши қатнашган. Қурилишга раҳбарлик қилиш учун Қўқон хонлиги ва Бухородан энг тажрибали усталар таклиф этилган. Масалан, Мир Убайдулло уста-меъморбоши, Уста Соли ҳожи, Мулло Суяркул, Фозилхўжа девор ва гумбазларни қуришган. Уста Сўфи Йўлдош ўймакор, уста Фозилхўжа эса наққош усталар эдилар. Қурилишни Қўқон хонлигининг турли шаҳарларидан келтирилган 80 нафар уста бошқарган.

Мазкур тарихий ёдгорлик дастлаб 3 та қисм ва 114 та хонадан иборат бўлган. Ҳозирги кунда фақатгина сўнгги қисми ва 19 та хона сақланиб қолган, холос. Саройнинг дарвозахона пештоқиға араб имлосида

йирик ҳарфлар билан “Арки олий Саййид Муҳаммад Худоёрхон” сўзлари ёзилган.

Қўқон шаҳрининг бу тарихий иншоотини кўплаб сайёҳлар ва олимлар кўриб, ҳайратларини ёзиб қолдирганлар. Масалан, рус географ сайёҳи А.П.Федченко 1871 йили Қўқон шаҳрига келиб, Урдани кўрган: “Улкан сойдан ўтиб, биз қалъа олдидаги катта майдонга кириб қолдик. Бу ердан, бундан ҳам яхшироқ, гўзал сарой кўрки очилади. Сарой биноти баландликка қурилгани боис қалъа девори орқасидан ҳам кўринади”, деб қайд этган эди.

Худоёрхон ўрдаси бизга ўша даврда Фарғона вилоятида биноларнинг қурилиш услуби, безак бериш ва қандай қурилиш ашёларидан фойдаланганлиги ҳақида маълумот беради.

Қўқон шаҳрида жойлашган яна бир ўзига хос тарихий ёдгорлик – бу, “Даҳмаи шохон”дир. Бино Нодирабегим фармонида биноан, Умархонга атаб, XIX асрнинг биринчи ярмида қурилган. Даҳма ёнида гулзор ва мевазор боғ бўлиб, шу ерда “Чалпак” мадрасаси ҳам қурилган эди [7, 211.].

Мазкур меъморий ансамбль уч қисм: гумбазли хона, икки устунли айвон – масжид ва ҳовлига ўхшаш хоналар, қабристондан иборат. Даҳмада Норбўтабий, Саййид Олимхон, Саййид Муҳаммад Умархон, Саййид Муҳаммад Аминхоннинг қабрлари бор. Умархоннинг қабр тоши устига Қуръони карим ва ўзининг шеърларидан парчалар ёзилган [8.].

Қўқон шаҳрининг XVIII аср охиридаги оид яна бир тарихий обидаси – Норбўтабий мадрасасидир. Мадраса 1799 йилда Чорсу майдонига яқин жойда қурилган. Уни барпо этишда қўқонлик усталар билан бирга бухоролик Муҳаммад Солиҳ Уста Қосим ҳам қатнашган.

Мадраса қурилишида бухоролик усталар иштирок этганликлари сабабли, Бухоро меъморчилик мактабининг таъсири сезилади. Мадраса ўзининг тузилиши ва пештоқи билан Бухорода жойлашган ёдгорликлар – Кўкалдош, Мир Араб ва Абдулазизхон мадрасаларига ўхшаб кетади [9,31.].

Қўқон шаҳрида XIX асрда жуда кўп масжидлар бўлган. Буларнинг ичида Жоме масжиди катталиги, меъморий тузилиши, нақши ва кошнлари билан ҳақиқий санъат ёдгорлиги даражасига кўтарилган.

Қўлёзма ва архив маълумотларига қараганда, масжиднинг қурилишини Олимхон бошлаб қўйган эди. Унинг фармони билан жой белгиланиб, ғиштлари ҳам олиб келинган. Аммо, Олимхон ўлдирилгандан кейин, ғиштлар эски ўрданинг таъмирланишига ишлатиб юборилади.

Умархоннинг буйруғига биноан, 1817 йилда ўша жойга Жоме масжиди қурилади. Мулла Олим Маҳдум ҳожи “Тарихи Туркистон” номли асарида Жоменинг қурилишига доир қўйидаги маълумотни келтиради: “Олимхон мундин муқаддам Масжиди Жоме ўрнига Мадрасаи олий бино қилмоқ бўлуб, деворини одам бўйи баробар ишлагандан кейин бирор моне илан тўхталиб қолиб, Олимхондан кейин Умархон аввало бинони бузуб, ўрнига иккинчи маротаба Масжиди Жоме шариф ва мадраса бино қилган экан” [10, 85-86.].

1857 йилда Худоёрхон фармонида кўра, масжид қайтадан таъмирланади. Масжиднинг ёнида қад кўтарган минора 1852 йилда пишган ғиштдан қурилган. Миноранинг баландлиги 22 метрдан баландроқ [9,25.]. Фарғона меъморчилигининг безакларга бой ҳашаматли биноти бўлмиш мазкур Жоме масжиди ҳозирги кунда давлат муҳофазасига олинган.

Қўқон хонлиги Россия империяси томонидан босиб олингандан кейин Фарғона водийсида янги услубдаги бинолар қурила бошланди.

Тарихдан яхши маълумки, Қўқон шаҳри XIX аср охирида ҳам Фарғона водийсининг асосий савдо-сотиқ маркази эди. Қўқон шаҳри XIX аср охири – XX аср бошларида икки қисмга: янги ва эски шаҳарга бўлинган. Шаҳарнинг янги қисмида тижорат бинолари, банклар ва савдогарлар уйлари жойлашган эди. Банклар шаҳарнинг марказ қисмида ва энг катта биноларида жойлашар эди. Қўқон шаҳри янги биноларининг қурилишига аввал шаҳар бош архитектори Ф.А.Мауэр, кейин эса К.А.Хачатурянлар бошчилик қилган [11,25.].

1913 йилда архитектор И.А.Маркович бошчилигида Рус–Осиё банкининг замонавий биноти қуриб битказилди. Бинонинг ойналари квадрат ва думалоқ шаклда қурилган бўлиб, уларга темир панжара ўрнатилган. Қурилиш ишларида япониялик ва хитойлик усталар қатнашган [12,25.]. Шаҳарда Рус–Осиё банкига қарашли 11 та филиал фаолият кўрсатган. Буларга

Россия олий савдо банки, Москва тижорат банки, Азов–Дон тижорат банки, Волга–Кама банки, Сибирь тижорат банки ва ер олди-сотди билан шуғулланган учта банкни мисол қилиш мумкин. Булардан ташқари, рус ишбилармонлари А.Симхаев, С.Х.Вадьяев, Р.Ш.Потеляхов, ака-ука Крафтлар, ака-ука Мандалакилар шахсий уйлари Европа меъморчилиги аъналарини асосида қурилган бинолардир. Бу бино ва иншоотлар ҳозирги кунда маданий мерос сифатида давлат муҳофазасига олинган бўлиб, XIX аср охири – XX аср бошларида Россия империясининг ўлкада, жумладан Фарғона вилоятида олиб борган сиёсатидан дарак беради.

Юқорида биз Қўқон шаҳаридаги айрим тарихий-меъморий ёдгорлик ҳақида тўхталиб ўтдик. Бу меъморий обидалар вилоят тарихини ёритишда ўз даврининг таълим тизими, маданияти, ўзига хос архитектураси ва амалий санъати тарихи

хусусида маълумот берувчи далилий ашё сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Фарғона вилоятида мавжуд бўлган тарихий-меъморий иншоотлар вилоят тарихини ёритишда муҳим моддий манба сифатида аҳамият касб этади;

- Меъморий иншоотлар, тарихий-маданий ёдгорликлар Фарғона вилоятида ички ҳамда халқаро сайёҳликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутадиган туризм объектлари ҳисобланади;

- Вилоятдаги мавжуд тарихий-меъморий иншоотлар ўзбек халқининг маданий-маънавий, меъморчилик ва қурилиш аъналарини бутун дунёга намойиш қилишда ва, ўз навбатида, миллатимизнинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрнини белгилашда далилий асос бўлади.

Адабиётлар:

1. <https://www.pv.uz/uz/news/moddiy-madaniy-merosning-royxati-tasdiqlandi>
2. Асқаров Б., Абдурашидов К. Ёдгорликларни тиклашга тўғри ёндашайлик // Халқ сўзи. 1998. 20 февраль.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. “Моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”. –Т., 2019 йил 4 октябрь, 846-сон.
4. Фарғона вилоятидаги моддий-маданий мерос сифатида рўйхатга олиш учун рўйхатга киритилган объектларни ўрганиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи томонидан ўрганиш юзасидан маълумотнома (2017 йил).
5. Комилов М. Таъмирлашдаги лоқайдлик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989. 19 май.
6. Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. – Т.: Фан, 1973.
7. Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. – Т.: Фан, 1996.
8. [www. Tourstouzzbekistan.com](http://www.Tourstouzzbekistan.com).
9. Азимов И. Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари. – Т., 1986.
10. Мирзо Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. – Т.: Янги авлод, 2009.
11. Мансуров У. XIX–XX аср Қўқон меъморчилиги // Мозийдан садо. – 2014. – №2.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)